

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мухаматов Бобирмирзо Фарходович

*Бухоро вилояти Пеишу туман ИИБ катта инспектори, капитан
MBobir@gmail.com*

Аннотация: Мақолада қасддан одам ўлдиришнинг тушунчаси, жиноят объекти, бу турдаги жиноятларни олдини олиш ва фош этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: қасддан одам ўлдириш, жиноят, объект, жиноятни олдини олиш, жиноятни фош этиш, тажовуз, қонун

ОСОБЕННОСТИ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И РАСКРЫТИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ УМЫШЛЕННОГО УБИЙСТВА

Мухаматов Бобирмирзо Фарходович

*Старший инспектор Отдела внутренних дел Пешкуского района
Бухарской области, капитан
MBobir@gmail.com*

Аннотация: В статье рассматриваются понятие умышленного убийства, объект преступления, особенности предупреждения и раскрытия этого вида преступлений

Ключевые слова: убийство, преступление, объект, предупреждение преступлений, раскрытие преступлений, агрессия, закон.

FEATURES OF PREVENTING AND SOLVING THE CRIME OF PREMEDITATED MURDER

Mukhamatov Bobirmirzo Farkhodovich

*Senior inspector of Internal Affairs Department of Peshku
District of Bukhara region, captain
MBobir@gmail.com*

Abstract: The article discusses the concept of premeditated murder, the object of the crime, features of the prevention and detection of this type of crime.

Key words: murder, crime, object, crime prevention, crime detection, aggression, law.

Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашишда ИИО тезкор қидирув фаолиятини роли тобора ошиб бормоқда. Унинг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишлари “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида” ги ва “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб берилган. Мазкур қонунларнинг нормаларини ҳаётга тадбиқ этиш – Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари фаолиятида мавжуд бўлган

муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, ушбу соҳани такомиллаштиришга қаратилган чуқур, комплекс чора тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида яшаш ҳуқуқи қайд этилган, яъни ҳар бир инсон учун узвий ҳуқуқ – яшаш ҳуқуқи бўлиб, унга тажовуз қилиш энг оғир жиноятдир¹.

Маълумки, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти бўлади ва ушбу ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида берилган бўлиб, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг Конституциявий тузуми жиноятнинг объекти бўлади².

Фақат жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларгина жиноятнинг объекти бўлади. Жиноят қонуни билан қўриқланмайдиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти бўла олмайди.

Жиноят объектининг турлари жиноят ҳуқуқи назариясида учга бўлиб таҳлил қилинган бўлиб, булар умумий, махсус ва бевосита объектлардан иборат. Жиноят ҳуқуқида умумий объект дейилганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси тушунилади. Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаси махсус объект, дейилади. Жиноят қонунининг конкрет нормаси билан қўриқланадиган муносабатга жиноятнинг бевосита объекти, дейилади³.

Қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, чунки, бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва унинг ўлимини истаган бўлади, бироқ ўлим айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (жабрдийданинг фаол қаршилиги, бошқа шахсларнинг аралашуви, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги ва ҳ.к туфайли) юз бермайди⁴.

Шунинг учун, жиноятни содир этган шахснинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат содир этган ёки этмаганлигини, ўлим юз беришини хоҳлаган ёки йўқлигини ва қандай ҳолатлар хоҳлаган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Қотиллик жиноятини фуқаронинг ўлимига сабаб бўлган ва қасддан унинг баданига оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун жиноятни содир этган шахснинг қасди айнан нимага қаратилганлигини ва унинг содир этган ҳаракатлари оқибати, яъни фуқаронинг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Қотиллик жиноятини содир этаётганда жиноятчи фуқарони ҳаётдан маҳрум қилиш яъни ўлдириш ниятида ҳаракат қилади, баданга оғир шикаст етказиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.2023. 25-моддаси

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддаси.

³ *Ибрагимов Ф. Ф.* Қасддан одам ўлдириш жиноятининг объекти. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.* 2022. Б-1323.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрьдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон Қарори

фуқаронинг ўлимига сабаб бўлганда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

Айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиноий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозим⁵.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этиш фаолияти Республикамиз ИИБ раҳбариятининг доимий назоратида бўлишига қарамасдан, уни ҳуқуқий ва ташкилий – тактик жihatдан такомиллаштиришга қаратилган қатор вазифалар турмоқда. Тадқиқотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2023 йилнинг 12 ойи давомида республика бўйича 363 та қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилган, уларни фош этилиши ҳам сўнгги йилларда пасайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат йилдан йилга фош этилмасдан қолаётган қасддан одам ўлдириш жиноятларини ўсиб бораётганлигидан дарак бермоқда.

Тадқиқотлар давомида қасддан одам ўлдириш жиноятлари тавсифини ўрганишда, биринчи навбатда, унинг жиноят қонунчилигида берилган нормаларини келиб чиқиб, тезкор қидирув ҳуқуқида қай тарзда ёндашиш зарурлигини аниқлаштириб олишимиз лозим. Маълумки, давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ифода этишда жиноят қонуни муҳим аҳамият касб этади, чунки жиноят қонунчилиги жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади. Айнан мазкур қонун ҳужжатлари асосида давлат жиноят деб ҳисобланиши лозим бўлган қилмишларга жиноят тусини беради, унга тегишли жазо тури ва муддатларини белгилайди.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини олдини олиш ва фош этишни самарали олиб бориш йўллари излаш, ушбу йўналиш бўйича иш олиб бораётган тезкор бўлинмаларнинг фаолиятини такомиллаштириш – биз ёш ходимларнинг олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишнинг тактик масалаларини самарали ечимини излаш, уларни амалда қўллаш ва охир оқибат жиноятчини аниқлаб, уни фош этиш ижодий жараён бўлиб, ҳар бир тезкор ходимнинг билим савияси, ишчанлиги, хизмат ва ҳаётини тажрибасининг уйғунлигига чамбарчас боғлиқдир.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этиш тактикасини белгилаш - воқеа жойини, мурдани кўздан кечириб, воқеа тафсилотларини ўрганишдан бошланади. Умуман олганда воқеа жойини ўрганиш жараёнида тезкор ходим бир қатор саволларга жавоб топишни олдига мақсад қилиб қўйиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу саволлар қасддан одам ўлдириш жиноятларини тезкор тактик тавсифидан келиб чиққан ҳолда қўйилиши лозим.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон Қарори

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятлари сабабини ўрганиб чиқиб, матбуот, радио ва телевидения таҳририяти, суд, прокуратура органлари билан ҳамкорликда шов-шувга сабаб бўлган, хавфли усул билан мураккаб шароитда содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятларини тафсилотлари ва келиб чиқиш сабаблари ҳақида телевидения, радио ва матбуотда ИИО, прокуратура, суд органлари ходимларининг чиқишларини ташкил этиш, шунингдек қидирувдаги жиноятчиларни топиш, шахси номаълум мурдаларни шахсини аниқлашда уларнинг имкониятларидан кенг равишда фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, қасддан одам ўлдириш жиноятларини олдини олиш ва очишни ташкил этиш ва тактикасига давлатимиздаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий вазият, хизмат қилинаётган худуднинг ижтимоий-иқтисодий ва географик шароитлари, аҳолининг демографик хусусиятлари, жиноятчилик ва бошқа ҳуқубузарликларнинг ҳолати, жиноят содир этаётган шахсларнинг демографик ва ижтимоий-руҳий хусусиятлари, уларнинг судланганлиги, жиноятни очишда қатнашаётган куч ва воситаларнинг мавжудлиги ва тайёргарлиги даражасига ўз таъсирини кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023;
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;
3. *Ибрагимов Ф. Ф.* Қасддан одам ўлдириш жиноятининг объекти. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.* 2022. Б-1323;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрьдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон Қарори.